

"Ўзавтойўл" ДАК бошқарувининг 2015 йил 1-ярим йиллик яқунлари бўйича йиғилиши



2015 йилнинг 22 июл куни "Ўзавтойўл" ДАК мажлислар залида компания бошқарувининг 2015 йил 1-ярим йиллик яқунлари бўйича кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда компания тизимидаги ҳудудий бўлинмалар, соҳавий корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди. Йиғилишни компания бошқарув раиси А.Абдувалиев олиб борди.

Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов томонидан 2015 йилнинг 16 январидан, Вазирлар Маҳкамасининг йил яқунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишида белгилаб берилган – Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш дастуридаги устувор йўналишларнинг компаниядаги ижроси кўриб чиқилди. Шунингдек, жорий йилнинг 1-ярим йиллигида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларига қаратилган, 2015 йил 16 июлда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида кўтарилган масалалар ҳам диққат марказида бўлди.

Йиғилишда таъкидланганидек, 2015 йилнинг II ярим йиллиги давомида умумий фойдаланувдаги автомобил йўлларида тизим корхоналари томонидан жами 672,2 млрд. сўмлик йўл қурилиш, таъмирлаш ва сақлаш ишлари бажарилган бўлиб, бу ўтган 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 121,7% ни ташкил этади.

Инвеститсия дастурига мувофиқ 2015 йилда 141,6 км узунликдаги умумий фойдаланувда бўлган автомобил йўллари қуриш ва реконструкция қилиш ишлари белгиланган. Тузилган шартнома ва тасдиқланган режага мувофиқ II ярим йиллик яқунлари бўйича 218,3 млрд. сўмлик йўл ишлари бажарилиб, 45,5 км узунликдаги автомобил йўллари реконструкция қилинди.

Халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятдаги умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларида ҳамда шаҳар кўчаларида "Ўзавтойўл" компанияси корхона ва ташкилотлари томонидан йўللарни мукамал таъмирлашда 81,4 млрд. сўмлик ишлар амалга оширилиб, 24,3 км узунликдаги умумий фойдаланувдаги автомобил йўллари таъмирланди.

42654 км узунликдаги умумий фойдаланишдаги автомобил йўллари сақлаш ва жорий таъмирлаш ишлари бўйича 2015 йилнинг II ярим йиллигида 337,7 млрд. сўмлик маблағлар ўзлаштирилди.

Ҳисобот даври мобайнида тизим корхона ва ташкилотларида 180 нафар янги иш ўринлари яратилди.

Йиғилиш давомида соҳадаги йўл қурилиши ва унинг таъмиридаги сифатга эътибор қаратиш, тизимдаги корхоналар томонидан ишлаб чиқаришни модернизатсиялаш каби масалаларга танқидий ёндашилиб, муаммоларни ижобий ҳал этиш йўллари муҳокама қилинди.

Бошқарув йиғилиши якунида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.